

**ҲАРАКАТ БИЛДИРУВЧИ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ АЙРИМ  
ГРАММАТИК ШАКЛЛАР ТАЪСИРИДА  
ПРЕСУППОЗИЦИЯ ИФОДАЛАШИ**

**Махмудов Шухрат Абдулазизович**

Наманган давлат университети тадқиқотчиси

**АННОТЦИЯ**

Ушбу мақолада ҳаракат билдирувчи лексемаларнинг гапда айрим грамматик шакллар таъсирида ҳам пресуппозиция ифодалаши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Ишда, асосан, замон ва нисбат шаклларининг пресуппозицияга ишораси масаласига муносабат билдирилган.

**Калит сўзлар:** ҳаракат билдирувчи лексемалар, замон кўрсаткичлари, нисбати шакли, биргалик нисбати шакли, орттирма нисбат шакли.

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье показано, что лексемы действия могут выражать пресуппозицию под влиянием некоторых грамматических форм в предложении. На работе , в основном , время а также соотношение форм было выражено отношение к вопросу о презумпции .

**Ключевые слова :** лексемы , обозначающие действие , времена , форма отношения , форма единицы отношения , сложение . соотношение форма

**ANNOTATION**

In this article, it is shown that action lexemes can express presupposition under the influence of some grammatical forms in the sentence. At work , mainly , time and ratio of forms a reaction to the issue of reference to presupposition was expressed .

**Key words** : lexemes denoting action , tenses , form of ratio , form of unity ratio , addition ratio form

Ўзбек тилида пресуппозиция ифодаловчи бирликлар ичида лексик бирликлар алоҳида ўрин тутди. Лексик бирликлар орқали пресуппозициянинг ифодаланишида уларнинг семантик хусусияти, функционал-прагматик имкониятлари, гап таркибида қандай синтактик қуршовда келиши каби омиллар ҳам амуҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, лексик бирликларнинг луғавий маъноси марказий ва чегара семалар йиғиндисидан ташкил топади. Лексик бирликнинг луғавий маъносини ҳосил қилувчи марказий семаси предмет, белги, миқдор, ҳаракат-ҳолат кабиларнинг доимий ва мажбурий белги-хусусиятини акс эттиради. Бундай лексик бирлик нутқда қўлланганда унинг луғавий маъносини ҳосил қилувчи чегара семалари ҳам юзага чиқади.

Лексик бирликларнинг гап таркибида пресуппозиция ифодалашида уларнинг луғавий маъносини ташкил қилувчи мана шу семалари муҳим ўрин тутди. Ўзбек тилида бундай лексемалар ранг-баранг бўлиб, улар предмет, белги, ҳаракат-ҳолат кабиларни ифодалаб келади. Ушбу бирликлардан ҳаракат билдирувчи лексемалар гапни семантик жиҳадан кенгайтиради ёки мураккаблашади.

Ҳаракат билдирувчи лексемалар гапда айрим грамматик шакллар таъсирида ҳам пресуппозиция ифодалаши мумкин. Бундай вақтда феъл лексемалар семантик жиҳадан кенгайтирилади ёки мураккаблашади.

Маълумки, ҳар қандай ҳаракатнинг бажарилган ёки бажарилмаганлиги, бажарилиши режалаштирилганлиги муайян замон билан боғланади. Шу боис ҳаракат билдирувчи лексемалар гапда замон билан боғлиқ ҳолда турли пресуппозицияларни ифодалаб келади. Албатта, феъл лексемаларга бирикиб, замонни ҳосил қилувчи бирликлар морфологик воситалар саналади. Замон маъноси таъсирида бундай феъл лексемалар орқали гапда муайян пресуппозиция ифодаланади. Масалан, ҳаракатнинг ўтган замонда

базарилганлигини англлатувчи феъл лексема ушбу ҳаракатнинг ҳозирги замонда ёки келгусида амалга оширилмаслиги ҳақидаги пресуппозицияга йўл очади. Демак, ҳаракат билдирувчи лексемаларнинг замон кўрсаткичларини олиб қўлланиши орқали гапда пресуппозиция ифодаланади. Бундай пресуппозиция морфологик пресуппозиция сифатида махсус ўрганилиши лозим. Қиёсланг:

У келяпти (У илгари келмаган)

У келади (У илгари келмаган)

У келди (У илгари келмаган эди)

Шуниси характерлики, замон маъноси махсус лексемалар ёрдамида алоҳида қайд этилганда пресуппозиция янада ёрқинлашади. Қиёсланг:

У ҳозир келяпти (У илгари келмаган)

У кейин келади (У илгари келмаган)

У кеча келди (У илгари келмаган эди)

Англашиладики, феъл лексемалар гапда замонни ифодаловчи бирликлар билан боғланганда ҳаракатнинг шу замон билан боғлиқ ҳолда базарилган ёки базарилмаганлигини англлатувчи пресуппозицияларга ишора қилинади. Масалан: **Ҳали-замон** Омон келади (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”).

Мазкур гапда келиш ҳаракатининг амалга ошиши келгуси замон билан боғлиқ. Бу эса ушбу ҳаракатнинг айни вақтда ва ўтган замонда амалга ошмаганлигини англлатувчи “Омон ҳали келмаган” пресуппозициясининг ифодаланишига йўл очади.

Ўзбек тилида барча турдаги орттирма нисбат шакллари пресуппозиция ҳисобига феъл лексеманинг семантик доирасини кенгайтиради. Масалан, Токчадан қалин муқовали қуръонни олиб қўлимга **тутқаздилар**. (Ғ.Ғулом. “Шум бола”) гапида қўлланган тутқаздилар феъл лексемаси орқали “Мен қалин муқовали қуръонни қўлимга олдим” пресуппозицияси англашилади.

Маълумки, орттирма нисбат шаклли феъл лексемалари мазмунан мураккаб бўлиб, икки ҳаракат тушунчасини қамраб олади: феъл лексема орқали англашилган ҳаракат ва субъект турткиси асосида амалга оширилган

иккинчи ҳаракат. Кейинги ҳаракат гапда пресуппозиция орқали яширин ифодаланади. Қуйидаги мисолларда ҳам шу ҳолат кузатилади:

Қаландар менга меҳрибонлик қилиб бошимни силади, ўрнимдан **турғизди**. (Ғ.Ғулом. “Шум бола”) (Мен ўрнимдан турдим); Кулолчиликда ҳам мени итлар **тинчитмади**. (Ғ.Ғулом. “Шум бола”) (Мен тинчимадим); Узумчи менга йўл бошловчи бўлиб **кўрсатиб қўйди**. (Ғ.Ғулом. “Шум бола”) (Мен кўрдим); Бир куни поччамнинг кўппагини олиб чиқиб, **уриштирдим**. (Ғ.Ғулом. “Шум бола”) (Поччамнинг кўппаги уришди); Кун ботишига яқин иккинчи тўнкани ҳам **қулатдим**. (Ғ.Ғулом. “Шум бола”) (Тўнка қулади)

Кўринадики, барча ҳолатларда пресуппозиция гапнинг синтактик структурасидан ўрин олмаган. У гапда феъл лексема семантикаси орқали яширин тарзда юзага чиққан.

Шуниси характерлики, ўзбек тилида бу турдаги феъл лексемалар каби семантик жиҳатдан мураккаб бўлган, яъни лексема орқали англашилган ҳаракат ва субъект турткиси асосида амалга оширилган бошқа ҳаракатга ишора қилувчи феъл лексемалар ҳам мавжуд. Улар семантикаси орқали гапда асосий ҳаракат билан бирга субъектнинг турткиси асосида бажарилган ўзга ҳаракат ҳам англашилиб туради. Масалан, “Эрта тонгда завод гудоги Эргашни ҳам **уйғотди**. (И. Раҳим. “Чин муҳаббат”) гапида уйғотмоқ лексемасининг семантикаси орқали “Эргаш уйғонди” пресуппозицияси ифодаланган.

Ўзбек тилида биргалик нисбати шакли орқали ҳам феъл лексеманинг маъноси мураккаблашади. Бундай феъл лексемаларда бирдан ортиқ субъект ҳаракати акс этгани боис, улардан бирининг ҳаракати пресуппозиция орқали яширин ифодаланади. Масалан, “Улар биз билан ҳайрлашишди” гапида қўлланган ҳайрлашишди феъл лексемаси орқали “Улар ҳайрлашишди” ва “Биз ҳайрлашдик” ахборотлари ифодаланади. Кейинги ахборот гапнинг синтактик структурасида бевосита ифодаланмаган бўлиб, пресуппозиция орқали юзага чиқади.

Шуниси характерлики, феъл лексемага турли нисбат шакллари қўшилганда унинг семантик доираси янада кенгаяди. Масалан, “Болакайни

менга кўрсатишди” гапидан “Улар болакайни кўрсатдилар”, “Болакай кўринди”, “Мен болакайни кўрдим” ахборотлари англашилади. Булардан биринчи ахборот гап синтактик структурасига мувофиқ тарзда бевосита ифодаланган бўлса, қолган икки ахборот пресуппозиция орқали феъл лексема семантикаси орқали реаллашади.

Орттирма нисбат шакллари семантик хусусияти асосида пресуппозицияга ишора қилувчи феълларга қўшилганда ҳам гапда бирдан ортик пресуппозиция англашилади. Масалан: Ризқаст-фискаст деганларидай бир амаллаб қорнимни **тўйғиздим**. (Ғ.Ғулом. “Шум бола”)

Ушбу гапда иккита пресуппозиция ифодаланган. Биринчи “Қорним оч эди” пресуппозицияси тўйғизмоқ феъл лексемаси орқали ҳаракатнинг сабабига ишора қилиниши натижасида юзага чиққан. Маълумки, тўйғизмоқ феъли “ейиш, ичишга бўлган талаби қонмоқ, қониб емоқ, ичмоқ, овқатга, сувга қонмоқ”<sup>17</sup> маъносини англатади. Мана шу маъноси билан гапда қўлланган тўйғизмоқ феъл лексемаси киши қорнининг оч эканлиги ёки унинг сувсаганлигини акс эттирувчи “Қорним оч эди” пресуппозицияни уйғотади. Ушбу гапда қўлланган тўйғизмоқ феъл лексемаси орттирма нисбат шакли қўшимчасини қабул қилганлиги боис у орқали “Қорним тўйди” пресуппозицияси ҳам юзага чиққан.

Хуллас, ўзбек тилида айрим феъл лексемаларнинг луғавий маъносини ҳосил қилувчи таянч марказий семаси орқали гапда пресуппозицияга йўл очилади. Шунингдек, уларнинг замон, нисбат каби грамматик маънолар билан семантик жиҳатдан кенгайиши, мураккаблашуви натижасида ҳам гапда турли пресуппозицияларнинг ифодаланиши кузатилади. Натижада гапда очик ахборотга қўшимча тарзда яширин ахборот ҳам ифодаланиб, семантик-синтактик номутаносиблик юзага келади.

<sup>17</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.231.